



Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

2021 йил 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййип Эрдоғаннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 27 февраль куни Қирғизистон Республикасига амалий ташриф билан боради.

Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайланди.



АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ўзбекистондаги миссияси иқтисодий ривожланиш бўлими бошлиғи Скотт Хедланд бошчилигидаги делегация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Термиз туманидаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида бўлиб, истиқболли ҳамкорлик режаларини муҳокама этди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ўқитувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаи порталига муҳокамага қўйилди.

Тошкент вилояти

## 20 йил обиҳаёт кутиб...

аммо мурожаат ҳамон «ўрнатилган тартибда» ҳал этилмоқда



Сиз газета саҳифаларида кўриб турган мазкур сурат Чиноз тумани «Самарқанд» маҳалласи аҳлидан келган аризага илова қилинган.

Аризада қайд этилишича, ушбу маҳаллада 470 та хонадон бўлиб, 660 та оилада 2 минг 845 нафар фуқаро истиқомат қилмоқда. Гарчи маҳаллада камчиликлар, қилини керак бўлган ишлар етарли бўлса-да, аҳолининг энг катта муаммоси – тоза ичимлик суви.

Ҳали-ҳануз суви маҳаллага ҳафтада бир марта келадиган махсус транспорт воситасидан навбат талашиб, сотиб олишади. Ва кун санаб, обиҳаётнинг кейинги ташрифини кутади.

Маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқариб, тегишли жойларга кўп маротаба шикоят қилган. Мутасаддилар вазиятни жойига чиқиб ўрганган. Аммо фуқароларнинг мурожаати ҳар доимгидек «ўрнатилган тартибда» кўриб чиқилмаган. Маҳалла аҳли улардан нажот топмагач,

таҳририятга мурожаат йўллашга қарор қилишган.

Албатта, таҳририят уларнинг муаммосини ҳал этиб беролмайди. Мутасаддилар юзига ойна тутиши мумкин, холос. Ҳар не бўлганда ҳам, халқ дардини ёритиш таҳририятнинг бурчи.

Аслида газ, электр, ичимлик суви – кундалик ҳаётимизнинг асосий эҳтиёжи. Хуллас, мамлакатнинг бутун бошли тақдири шу уч унсурга боғлиқ. Уларсиз ҳеч қандай ривожланиш ҳам, иқтисодий ҳам, имми ва ватанпарвар ёшлар ҳам йўқ! Чунки шу оддий муаммолар ҳал этилмас экан, баландпарвоз шиорлардан наф чиқмайди!

Мазкур эҳтиёжлар тўла-тўқис қондирилмас экан, халқнинг давлатга бўлган ишончи сўниб бораверади.

Айтмоқчи бўлган мухтасар гапимиз шуки, маҳалла аҳли мазкур масала юзасидан мутасаддилардан изоҳ эмас, амалий ишларни кутмоқда.

Ғулмон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»

Самарқанд вилояти



## Орзунинг ойдин йўли

Каттақўрғонлик Мадина Қўзиеванинг тикиш-бичишга ўқуви бўлса-да, ҳунарини ишга солиш узоқ вақт орзулигича қолиб келди. Уй-рўзғор юмушларидан ортиб бирор ишнинг этагини тутолмади ҳам. Хотин-қизлар муаммоларини ўрганган республика ишчи гуруҳи унинг дилидагиларни қайд этгач...

– Гапнинг рост, бу ҳаракатларни шунчаки расмиятчилик сифатида қабул қилгандим, – дейди у. – Нима ташвиш-уйингиз бор, дейишганларидан битта тикув машинаси бўлса, рўзғор юкининг бир томонини кўтарармиди, деган фикрни билдиргандим.

Касаба уюшмалари назоратида тақсимланган замонавий тикув машиналарнинг бири ана шу ҳунарманд аёлга аталди. Каттақўрғонда бўлиб ўтган тадбирда Мадина дастгоҳни қабул қилиб олди.

– Бу шунчаки совға эмас, менга билдирилган катта ишонч, имконият, – дейди Мадина. – Энди ўзимни банд қилиб, оиламнинг қорига райман. Жамиятга фойдам тегишидан хурсандман.

Касаба уюшмалари томонидан нафақат Каттақўрғон, балки барча туманлар, қишлоқ ва овулардаги «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммолари ана шу тахлитда ҳал этиб келинмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Этибор



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

ҚИСКА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

Меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўлашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!

Хоразм вилояти

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ва Ёшлар ишлари агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

## Ёшлар ва касаба уюшмалари ҳамкорлик меморандуми имзоланди

Унга кўра, саккизта йўналишда тизимли ишлар олиб борилади. Биринчи галда юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантиришга эътибор қаратилади. Шунингдек, ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шарт-шароитлар яратилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этилади. Соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғоялари кенг тарғиб қилинади. Бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ижодий тўғрақлар ва хорижий тилларни ўрганишга кенг жалб этилади, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашилади. Ёш оилалар, имконияти чекланган ва ижтимоий ғимояга муҳтож ёшлар маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ, Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Фарғона вилояти

«Фарғона кимё заводи» МЧЖда меҳнат жамоасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ходимлар саломатлигини муштаққамлаш мақсадида тадбир ташкил этилди.

Ҳафталик

## Соғлом турмуш тарзи учун

Юздан ортиқ ишчи-ҳодим қамраб олинган мусобақа иштирокчилари шахмат, шашка, стол тенниси, югуриш ва турникда тортилиш, арғимчоқда сакраш каби спорт турлари бўйича беллашди.

Ғолиблар касаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Наргиза КАРИМОВА, «Фарғона кимё заводи» МЧЖ касаба уюшма кўмитаси раиси

Самарқанд вилояти

Самарқанддан Хоразм сари йўлга отланган сайёҳларнинг бу галги мундарижасига ўзгача ёндашилди. Боиси, шу чоққача турли меҳнат жамоалари вакилларига ана шундай имконият бериб келинаётган бўлса, галдаги сайёҳчилар ҳудудларда юритилаётган «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган, ижтимоий муҳофазатга муҳтож фуқаролар эди.

Ички туризм

## Кўҳна Хивага саёҳат

– Кўшрабнинг олис қишлоқларида яшовчи ижтимоий ғимояга муҳтож ўн беш нафар хотин-қизни саёҳатга олиб чиқдик, – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маданний-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ферузбек Раззоқов. – Барча харажатларни касаба уюшмалари ўз зиммасига олди.

Меҳмонлар Урганч шаҳридаги ўзгаришлар, қадимий Хивадаги Ичан қалъа меъморий ёдгорлиги, халқимизнинг шонли фарзанди Жалолiddин Мангубердига ўрнатилган ёдгорлик каби қатор тарихий обидалар билан танишишди.

Н. ФАХРИДДИНОВ

Фарғона вилояти

Медиафорум



## «ЧИМЁН»ДА ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

Айни кунларда Фарғона вилоятининг сўлим гўшаси «Чимён» сиҳатгоҳида «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида очиқлик, сўз эркинлиги ва жамият» мавзусида «Чимён-2021» медиафоруми бўлиб ўтмоқда.

Мазкур медиафорумда республикамизнинг барча ҳудудларида ижод қилаётган журналистлар ҳамда ОАВ бош муҳаррирлари иштирок этмоқда. Айтиш керак, ушбу анжуман ҳар бир ижодкор учун мулоқот майдонига айланди. Айниқса, газеталарнинг тақдироти барча учун бирдек фойдали бўлди.

– Анъанавий медиафорумда илк марта иштирок этишим, – дейди «Булуғур ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ғулум Уролов. – Бу ерда ҳаммасларимиз билан тажриба алмашиш имконига эга бўлдик. Анжуманда билдирилаётган қимматли фикрлар барчамиз учун сабоқ бўлмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



Келгуси сонларда ўқинг...

ШЕЪРИЯТ «ШЕРЛАРИ»НИНГ ШЕЪРЛАРИ... ёхуд шу номдаги туркум мақолаларнинг биринчиси

ҒЎЗА ОРАСИДАГИ СОЯ фермер даромадига соя соладими?

Тошкент  
вилояти

Йиғилиш

## Устувор вазифалар Таҳлили

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бирлашган касабга уюшма қўмитасининг 2020 йилда амалга оширган ишлари якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Жонли мулоқот тарзида кечган тадбирда бирлашган касабга уюшма қўмитаси раисининг ҳисоботи тингланди. Ички ишлар ходимлари манфаатлари ҳимояси, бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Хусусан, ўтган йил мобайнида 327 нафар ходимнинг ижтимоий ҳолати ҳамда соғлиғини тиклаш, тўй-маъракаси учун 77 миллион 140 минг 500 сўм миқдорда маблағ сарфлангани айтиб ўтилди.

– Ўтган йил барча давлатлар қатори республикамизда ҳам оғир кечди, – дейди Тошкент вилояти Ички ишлар ходимлари бирлашган касабга уюшма қўмитаси раиси Наргиза Комилова. – «COVID-19» пандемияси туфайли олдимизга қўйган вазифаларни қисман амалга оширдик. Шундан келиб чиққан ҳолда жорий йилда иш режими, тармоқ келишуви ва жамоа шартномасида белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда ходимларни маънавий-маърифий, моддий, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Жонли мулоқот ва ўзаро савол-жавоб тарзида кечган анжуман якунида делегатлар фикр ва мулоҳазалари асосида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди. 2021-2023 йилларга мўлжалланган янги Жамоа шартномаси қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

Қорақалпоғистон  
Республикаси

Кейинги пайтда «Траст фонд» деган жамғарма ҳақида кўп эшитяптимиз. Тушунганимиз бўйича, бу фондга йиғилган пуллар Оролнинг қуриши оқибатида юзага келган экологик муаммоларни юмшатишга сарфланар экан. Оролни сув билан тўлдирishing имкони йўқлигини ҳамма биланди-ку, ундай бўлса, бу пуллар нималарга сарфланади?

Қуанишбай ДАУЛЕТБАЕВ  
Мўйноқ тумани

Жусипбек ҚАЗБЕКОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Экология ва Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари:

– Фонднинг тўлиқ номи ўзи – Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшириклик траст фонди. Фонд 2018 йил ноябрь ойида БМТ шафелигида ташкил қилинган. Номидан маълум бўлганидек, фондга кўп давлатлар шерик бўлиб маблағ ташлайди. Бу харажатлар Оролбўйи минтақасида инсонларнинг ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

2019 йилда фондга 3,1 миллион доллар тушди – Ўзбекистон 2 миллион, Норвегия ҳукумати

Бухоро  
вилояти

## Мудом енгил нафас олинг!

Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига янги ва замонавий сунъий нафас олиш аппарати ҳамда унинг ёрдамчи қисмлари туҳфа қилинди



Ўтган йили Жанубий Кореянинг «POSCO INTERNATIONAL» корпорацияси тизимидаги «POSCO INTERNATIONAL TEXTILE LLC» Бухоро филиали катаракта хасталигига чалинган юз нафар беморни бепул даволаган эди.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабга уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши бу йил ушбу корхона билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урди: Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига янги ва замонавий сунъий нафас олиш аппарати ҳамда унинг ёрдамчи қисмлари туҳфа қилинди.

Рустам ИБРОҲИМОВ,  
«ISHONCH»  
Мазкур «Mekics MV 2000»

Бор бўл, оқибат!

Наманган  
вилояти

Аёллар спартакиадаси

## «Паҳлавон»даги беллашув

«Спорт – саломатлик гарови!» шиори остида аёллар спартакиадасининг Наманган вилояти босқичи ўтказилди. Унда касабга уюшмаларига аъзо бўлган барча касб эгалари иштирок этди.

«Паҳлавон» спорт мажмуасида концерт дастури билан бошланган спартакиадада шаҳар ва туман босқичида ғолиб бўлган 12 та жамоадан 312 нафар хотин-қиз қатнашди. Якунда ғолиб жамоалар ва фаол иштирокчилар касабга уюшмаларининг қимматбахшо совға ва дипломлари билан тақдирланди. Мусобақа муносабати билан вилоятдаги спорт фахрийлари алоҳида эъзозланиб, уларнинг ўн нафарига кўкрак нишони топширилди.

Орзулгул РУСТАМОВА,  
«ISHONCH»Сирдарё  
вилояти

## Тиббиёт ходимлари – ўрнак

Сирдарёда анъанавий «Аёллар спартакиадаси» мусобақалари бошланди.



дай ташкилот фаолият юритаётган бўлса) «фотихаси» билан муомалага киритиш керак.

Энди асосий масала – биргина сўзни ўзгариши ҳисобига кетадиган харажатлар ҳисобланса, ким билади қанча бўлади? Атама ислоҳи давлат ва халқ хазинасига қанча зиён келтирмоқда?

Мутасаддилар бу саволларга қандай жавоб берад экан?

Муҳаммадали АҲМАД

Кўзгу

# «ТРАСТ ФОНД»ГА ТУШГАН ПУЛЛАР НИМАЛАРГА САРФЛАНАДИ?

эса 1,1 миллион доллар кўшди. Ушбу сармоя асосида 2 та лойиҳа молиялаштирилди:

Биринчиси – «Қишлоқ ҳудудларининг доимий ривожланишини қўллаб-қувватлаш орқали Оролбўйи ҳудудида инсон хавфсизлигини таъминлаш» лойиҳаси. Ушбу лойиҳанинг ҳажми 1,5 миллион доллар бўлиб, уни БМТнинг Тараққиёт Дастури ва ЮНЕСКО ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Лойиҳа бўйича Тахтақўпир туманидаги «Таза қонис», «Белтау» ва «Мулик» ОФЛаридаги 2 минг 200 нафарга яқин аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди, 6 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси ташкил этилди, 250 нафар аҳолининг даромадларини ошириш, шунингдек, ўрмон ҳўжалигининг моддий-техник базасини яхшилаш ишлари амалга оширилди. Лойиҳа давом этмоқда.

Иккинчиси – «Оналар ва янги туғилган болаларга перинатал ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш» лойиҳаси. Лойиҳага 1,6 миллион доллар йўналтирилган бўлиб, уни БМТнинг ЮНФПА ва ЮНИСЕФ ташкилотлари ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Лойиҳа доирасида Нукус шаҳри, Беруний ва Кўнғирот туманларидаги перинатал ёрдам кўрсатиш марказларининг инфратузилмаси янгиланди, 26 минг нафардан ортик ҳомиладор аёллар ва янги туғилган болаларга перинатал ёрдам кўрсатиш сифати яхшиланиши, соҳадаги 500 нафардан ортик ишчининг кўникмаларини ошириш мақсадида махсус ўқув дастурлари амалга оширилди.

2020 йилда «Траст фонд»га 9,1 миллион доллар миқдорда маблағ келиб тушди. Унда ўз-



бекистон Республикасининг 1,5 миллион, Европа Иттифоқининг 5,5 миллион, Финляндия ҳукуматининг 1,1 миллион ва Корея Республикасининг 1 миллион долларлик ҳиссаси бор. Ушбу маблағлар ҳисобидан жами 6 миллион долларлик 3 та янги лойиҳа молиялаштирилди:

Биринчиси – «Оролбўйи минтақасининг қишлоқ ҳудудларида иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ечиш бўйича инновацияларни кенг жорий қилиш» лойиҳаси. Бюджети – 2,1 миллион доллар. Лойиҳани БМТнинг Тараққиёт Дастури, ФАО ва ЮНОДС халқаро ташкилотлари ҳамкорликда амалга оширади.

Лойиҳада Мўйноқ, Кўнғирот ва Бўзатов туманларида ёшларнинг асосий тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, 3 та касбий таълим моно-марказини қўллаб-қувватлаш, 90 нафар ёшнинг касбга тайёрлаш, 360 нафар хотин-қизни тикувчиликка ўқитиш, 10 та оилавий ва яққа турдаги тадбиркорликни ташкил қилиш, янги қишлоқ ҳўжалиги ташаббусларини йўлга қўйиш, сўғориш тармоқлари ва қишлоқ ҳўжалиги ерларини реабилитация қилишни қўл-

ланиш кўникмаларига ўргатиш; 20 та соғлиқни сақлаш муассасасини санитария ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, 35 та соғлиқни сақлаш муассасасида масофадан билим бериш тизимини ўрнатиш, 1 минг 300 нафар соғлиқни сақлаш тизими ходимига масофадан билим бериш, 20 та тиббий муассасани лаборатория ускуналари билан таъминлаш, 200 нафар соғлиқни сақлаш ишчиларини тайёрлаш;

400 нафар ёшни ижтимоий инновациялар ва тадбиркорликка тайёрлаш, 40 ижтимоий инновацион лойиҳаларни жорий қилиш каби режалар назарда тутилган.

Учинчиси. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда 400 минг долларлик «Қорақалпоғистонда соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш» лойиҳаси.

Лойиҳада Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш мақсадида илмий асосланган молиялаштириш моделини ишлаб чиқиш, шунингдек, Мўйноқ туманида кўп тармоқли шифохона ташкил қилиш бўйича таклиф тайёрлаш, соғлиқни сақлаш тизимига инвестицияларни жалб қилиш мақсадида соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш, 150 нафар соғлиқни сақлаш ходимини тайёрлаш масалалари қамраб олинган.

Мазкур лойиҳалар ишини шу йилдан бошламоқда.

«ISHONCH» муҳбири  
Есимхон ҚАНОАТОВ  
тайёрладиХоразм  
вилояти

## Саломатлик одимлари

Хоразм вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкил қилинган соғломлаштириш тадбирида бирлашма ходимлари, масъул ташкилотчилар, бошланғич касабга уюшма қўмиталари раислари фаол иштирок этди.



Урганчдаги «Ёшлик» спорт мажмуаси футбол майдонида дастлаб соғлом турмуш сари 5000 қадам ташлаган касабга уюшма ходимлари кейинги ярим соатда жисмоний машқлар билан шуғулланди.

– Февраль ойи спорт машғулотлари ва мусобақаларига бой бўлмоқда, – дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси Хоразм вилояти вакили Шоқир Мадаминов. – Иштирок этаётган ходимлар сафи ҳам кенгаймоқда. Бу касабга уюшмалари томонидан олиб борилаётган тарғиботлар самараси, шунингдек, юрдошларимизнинг соғлом турмуш кечиршига иштиёқлари ошганидан дарак, албатта.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,  
«ISHONCH»

Мурожаат ва ечим

# ЖАВОБ ТОПГАН САВОЛЛАР...

«Ishonch» газетасининг шу йил 16 январь ҳамда 23 январдаги сонларида «Жавоб кутаётган саволлар...» сарлавҳаси остида юртдошларимизнинг муаммоларига оид мурожаатлари чоп этилган эди. Саволларга бир қатор вазирлик ва идоралардан жавоб келди. Куйида уларнинг баъзилари билан танишасиз.



**Фарғона вилояти Автомобиль йўллари Бош бошқармаси**

## Жорий таъмир қилинади

Данғара тумани, «Қизилмушт» МФЙ, Эшонбобо қишлоғида яшовчи Ж.Эргашевнинг газетанинг 2021 йил 16 январь сонидан чоп этилган «Тўпроқни таъмир қачонгача?» деб номланган саволига Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси Фарғона вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи в.б. О.Жўраевдан қуйидаги мазмунда жавоб хати келди:

Мақолада келтирилган масала тегишли мутахассислар иштирокида жойида ўрганилди. Мақолада 4к-889 «Қўқон қ – Қирқлар қ – Оқ-жар қ» автомобиль йўлининг 4-5 км.лари ораллиқда ҳосил бўлган майда чуқур-чанокларни майда донали кум-шағал аралашмаси билан тўлдириш ишлари акс эттирилган бўлиб, «Идоравий қурилиш нормалари» ИҚН-82-12нинг 7.1.5 бандига асосан, қиш мавсумида ҳосил бўлган чуқурлиги 5 см.гача чуқур-чанокларни майда донали кум-шағал аралашма-

сидан ёки табиий боғловчи материаллар билан тўлдириб, ҳаракат хавфсизлигини вақтинча таъминлаб туриш белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Данғара тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг ишчи-хондими томонидан меъерий ҳужжатларнинг бузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаганини ҳамда ушбу автомобиль йўлидаги чуқур-чаноклар 2021 йилнинг 1-чораги давомида жорий таъмирлаш ишлари доирасида таъмирланишини маълум қиламиз.

**Олий суд**

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 16 январдаги 10-11-сонларида чоп этилган «Кам таъминланганлар судга мурожаат қилишдан нега қочади?» деган саволи юзасидан Олий суднинг жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи А.Абидовдан қуйидаги жавоб олинди:

Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар сингари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этади. Судга мурожаат этиш ҳар бир фуқаро учун давлат томонидан қамалган ҳуқуқ бўлиши билан бирга, давлат божи тўловини амалга ошириши қонунда белгиланган мажбурият бўлиб, ушбу амалиёт хорижда ҳам давлат бошқарувидаги одатий ва ҳамма риоя этиши лозим бўлган, қонун билан белгиланган қўйилган қоида сифатида шаклланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида давлат божини тўлашдан озод қилинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий рўйхати белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу қоида кенгайтирилган ҳолда талқин этилмайди.

## Қонунчиликда маълумотлар етарли



Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган муаллифнинг кам таъминланганлар давлат божи тўлашдан озод этилмаганига эътибор қаратган ҳолда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами «судга мурожаат қила олмасин дегандек, атайин шундай қилинганми?», дея савол бериши бироз ноаноиз, айтиш мумкинки, бу ҳусусдаги қонунчилик нормаларидан етарлича хабардор эмаслиги кўринади. Йўқса, бу фикрни билдиришдан аввал

судга мурожаат этувчи шахсларга давлат божини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки миқдорини камайтириш ҳақида илтимоснома киритиш ҳуқуқи борлигини, бунинг учун муаллиф таъкидлаганидек, бир қанча маълумотномалар эмас, керакли маълумотлар тақдим этилиши кифоя бўлиши ҳақида содда, лўнда ва аниқ тушунтириш берган бўлар эди.

Фуқаролик процессуал кодекси 133-моддасининг иккинчи қисми, 193-моддаси мазмунига кўра, судья

фуқаролик ишени қўзғатиш босқичида аризонанинг илтимосномаси бўйича, унинг мулк ишончига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга, бўлиб-бўлиб тўлашга ёки миқдорини камайтиришга ҳақли бўлиб, бу ҳақда аризонани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақидаги ёхуд аризонанинг илтимосномасини қаноатлантириш ҳақидаги алоҳида ажримда кўрсатади.

Ушбу кодекснинг 133-моддасига асосан ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундирилаётган суд харажатларини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслиги ҳолатларини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далиллардан (масалан, иш ҳақи (даромади), банкда маблағлари мавжудлиги, унинг эгалигида бўлган мулклар ҳақидаги маълумот, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари борлиги ва ҳ.к. тўғрисидаги маълумотлар) бири етарли бўлади.

Қонунда белгиланган нормаларни етарлича билмасдан туриб, жамоатчиликка нотўғри маълумот бермаслик лозим.

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси**

## Обиҳаётнинг таннархи қиммат

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари А.Давлетов «Ishonch» газетасининг 2021 йил 16 январдаги 10-11-сонларида чоп этилган «Қорақалпоғистонда сувнинг нархи нега 85 фоизга ошиб кетди?» сарлавҳали саволга қуйидагича муносабат билдирди:



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2021 йил 28 декабрь кунги ўтказилган ўн иккинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, аҳолига ичимлик сувини сифатли етказиб беришни янада яхшилаш бўйича тегишли соҳа раҳбарларининг ҳисоботлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг, Молия вазирлигининг хулосаларидан келиб чиқиб, улар томонидан билдирилган фикр ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг «Қорақалпоғистон Республикасида ичимлик суви ва оқова сув тизимини яхшилашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда ичимлик суви учун тўланадиган тарифнинг ҳар бир ҳудудда ҳар хил белгиланишининг асосий сабаби сув манбаидаги сув таркиби, уни қайта ишлаш жараёни ва аҳолига етказиб беришда ҳудудларнинг ички масофаси, сарфланадиган электр энергияси ва

бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ушбу жараённи ҳисоблаш мақсадида жойларда ўрганиш ишларини олиб борди. Ўрганишлар натижасига кўра, манбадан олинган суви махсус тозалаш курилмасида тозалаш жараёни бир неча босқичдан иборат бўлиб, уларга сарфланадиган реагентлар, шунингдек, қурилмалардан ичимлик сувини етказиб берадиган туманлараро масофаларнинг ва сарфланадиган электр энергияси, хизмат кўрсатишдаги бошқа харажатлар ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилган 1 метр куб ичимлик сувининг таннархи 2458 сўмни ташкил этаётгани аниқланди.

Депутатлар томонидан мутасадди ташкилотлар билан олиб борилган мулоқотлар чоғида сувнинг истеъмолчиларга етказиб бериш таннархини аҳолининг кенг қатламлари моддий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда пасайтириш масаласи бир неча бор муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қарори билан сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматларининг нархлари (тарифлари)га ўзгаришлар киритиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифи ҳамда Монополияга қарши кураш қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан берилган хулосалар маъқулланиб, фуқаролар учун ичимлик сувини етказиб бериш нархи 1 метр куб учун 1850 сўм, оқова сув хизмати нархи 1 метр куб учун 1100 сўм этиб белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида ишчи гуруҳ тузган ҳолда шахар ва туманлардаги барча фуқаролар йиғинлари ва корхона, ташкилотларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тасдиқланган нархлар (тарифлар) бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари юклатилди.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари С.Хожаметов номидан «Ishonch» газетасининг 2021 йил 23 январдаги 13-сонидан чоп этилган «Қизилмия ҳам анқонинг уруғига айланадими?» сарлавҳали мақолада кўрсатилган камчиликлар юзасидан қуйидагича жавоб келди:

**Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи**



## Етакчилар ҳам дарс берса бўлади

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 23 январдаги 13-сонидан чоп этилган «Етакчиларнинг эътирозига ечим борми?» деган саволга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси ўринбосари И.Холдарова қуйидагиларни маълум қилди:

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2020 йил 16 сентябрдаги 38-66-ҚҚ-сонли қўшма қарорига асосан, олий педагогик маълумотга эга Ёшлар етакчилари ўз мутахассислиги бўйича 0,25 ставкадан ошмаган тартибда ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин.

## Масала назоратда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги «Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 138-сонли қарори билан 2019-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида қизилмия ўсимлиги янги плантацияларини ташкил этишнинг прогноз кўрсаткичларида жами 25 000 гектар (ҳар

йили 5000 гектар) ер майдонига экиш белгиланиб, туманлар ҳокимликлари томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилинган.

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 23 январдаги 13-сонидан чоп этилган «Қизилмия ҳам анқонинг уруғига айланадими?» сарлавҳали мақолада кўрсатилган камчиликлар бўйича Аграрсаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон



Республикаси бошқармаси томонидан назорат тадбирлари ўтказилаётгани ҳамда ушбу тадбирлар яқини билан аниқ маълумот киритилишини маълум қиламиз.

## ТАҲРИРИЯТДАН:


Мазкур жавоблар учун, аввало, раҳмат! Бу билан кимнингдир муаммоси ҳал бўлиши ёки ўзига хос ҳуқуқий тушунча олинишига эришилди. Аммо... Афсуски, Молия вазирлигига йўлланган «Тиббий курик кимнинг ҳисобидан?», Халқ таълими вазирлигига йўлланган «Умид қилсак бўладими?», Солиқ қўмитасига йўлланган «Бугун олиниши керак бўлган имтиёз бир йилдан кейин бериладими?», Соғлиқни сақлаш вазирлигига йўлланган «Вазирлик кўрсатмаси қуйи ташкилотларга тааллуқли эмасми?», Хоразм вилояти ҳокимлигига йўлланган «Ақлли бекатми ёки савдо нуқтаси?», Сирдарё вилояти ҳокимлигига йўлланган «Кўприк қачон қурилади?» деб номланган саволларга мана, бир ой бўлдики, жавоб олинмади.

Шу ўринда мутасадди ташкилотлар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунининг «Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари» деб номланган 28-моддасининг ёдга солишни лозим топдик:

«Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Тақлиф давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этайдиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади».



дай, «Сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тус бериш, уни чиройли ижрода қилиш, бир табибни учратди. Табиб хонтахта олдига ўтирар, ҳузурда эркалар, аёллар, ёш болалар туришарди. Ҳамминанг кўлида идиш бўлиб, ичида сув бор эди. Ҳар бири киши табибдан касалига қандай шифо топишни сўрар эрди.

Обид йигит табибга яқинроқ бориб, «Эй, табиб, сизда гуноҳларни ювиб, қалб хасталигига шифо бўлувчи дори борми?» деб сўради.

Табиб эса шундай деди: «Шундай дори бор, бунинг учун куйидаги ўнта нарсани қилгин: Таовез ва камбағаллик дарахтининг илдизини олгин. Уни тавба ўсимлигига аралаштиргин. Ризо ҳавончасига солгин. Қаноат дастаси билан майдалагин. Такво қозонига ташлагин. Ҳаё сувида куйгин. Муҳаббат олови ила қайнатгин. Шукр қосасига сузгин. Умид совутичи билан совутгин. Ҳамд қошиғи билан ичгин. Шуларга амал қилсанг, ҳар қандай касалликка даво топасан, баало-қазоларлардан сақланасан».

### Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

қолмас эди. Ўн киши ўн ёқдан илтимос қилиб турибди. Кўзни юмиб, баҳосини қўйиб берай десанг, эртага бир жойда: «Ҳой, сен болани университетда ким ўқитган ўзи?» деб сўраб қолса, номингни варанглатиб айтиши аниқ, Шунисига чидаш қийин...

#### УЧ ИРМОҚ

«Журналист» газетасининг навбатдаги сонини тайёрладик. Гуруҳдаги талабаларнинг кўпчилиги ўзлари танлаган мавзуда мақолалар ёзишди. Мен уларни мақсад сари йўналтириб турдим, холос. Мана бугун шу меҳнатимиз юзга чиқди. Наҳра тайёрлаётимиз, мақолаларнинг ҳаммасини бир неча мартадан ўқиб, камчиликларини тузатиб чиққанман, аммо бугунги ўқишимнинг лаззати бошқача. Тандиндан узилган ширмой нонга, гулзорда бирин-кетин очила бошлаган анвойи гулларга ўшайдиган мақолалар. Ҳаммасида озми-кўпми милтираб турган фикр, тортиниброқ

### Мавзуга қайтиб...

## «УЧБУРЧАК»ДАГИ ОҒРИҚЛИ НУҚТА

дарсликлардаги камчиликларни ҳатто мутахассис бўлмаган одам ҳам «кўриб қоляпти»...



Зебо Намозованинг «Ishonch» газетасининг шу йил 4 февралдаги 18-сонидан чоп этилган «Сифат масаласими ёки монополия? Ёхуд танловсиз эълон қилинаётган дарсликлар ортда нима турибди?» мақоласида долзарб мавзу кўтарилди.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизга илм-маърифат улашувчи, ҳақиқат йўлига бошловчи маёқ – мактаб дарсликлариди мутахассислар фарзандининг дарс тайёрлашига ёрдам берадиган ота-оналарнинг ҳам оғриқли дардидир. Фарзандини қўшимча шуғуллантурувчи ёки ўта билимдон, фидойи ва тажрибали педагог қўлида ўқитаётганларга бу ғурбат бегона, албатта. Аммо ҳар кун такрорланувчи «Бола – дарслик – дарс қилдирувчи» учбурчагида «дарслик» энг оғриқли бурчқандир.

Нега дарсликларга нисбатан эътироз кўпайди? Чунки ундаги камчиликларни ҳатто мутахассис бўлмаган одам ҳам «кўриб қоляпти». Жиддий оқсаш – бу дарсликнинг бошланғич синфларда ҳам бола учун қизиқарли эмаслиги. Танланган сурат, ранг, шакл, матнлар орасидаги «ҳаво», «сув», албатта, мавзунини қабул қилиш, мазмунини ўзлаштиришга тасвир қилади. Бугунги ўқув қўлланмалар телевизор, компьютер, телефон, интернет билан баҳслашишга мажбур. Ҳозирча бу бахсда дарсликларнинг «дасти» банд келатганини кўрмаймиз. Уларда, афсуски, 20 йил аввалги савия, кўриниш сақланган. Тўғри, мавзунини кетма-кетликда, бир-бирига боғлиқ ҳолда улашиб кетаверди. Аммо улар болалар қалби, қизиқишини ўзига тортадиган даражада эмас.

Бу камчилик, айниқса, геометрик шакллар мавзусини ўзлаштиришда панд бермоқда. Ўткир, ўтмас ва тўғри бурчакнинг қандай бўлишини бола мутахассис учун мўлжалланган чизма мисолида тушуниб, эслаб қолиши, дарҳақиқат, анчайин қийин. Уч йил бурчак қанон, қаврада иш беради ёки учрайди? Мана шу тарзда ёндашилса, менимча, болага нимадир ўргатиш мумкин. Масалан, эшик бунга яхши мисол бўлади. Уни исталган бурчак остида тасвирлаб, болани қизиқтирсангиз, вақти келиб, оёқ турган эшик тўғри бурчак ҳосил қилганини ўзи англаб бачқ қилса, қандай яхши.

Яна бир камчилик – мати баёни. Бошланғич синф математика дарсликлариди аниқлиқ, соддалик етишмайди. Масалан, «Kesmaning uzunligi. Ikki nuqta orasidagi masofani 1 santimetr aniqlikda o'lchash va taqqoslash» мавзуси. Мавзунини фаҳмлаш учун камда икки-уч марта ўқишга тўғри келади. Русчасини ўқиб, тушуниш мумкин: «Длина отрезка. Измерение расстояния между двумя точками в сантиметрах и сравнение отрезков».

Матни ҳижжалаб ўқийдиган биринчи синф боласи учун негадир мавзуларнинг сарлавҳаси узундан-узун ва мавҳум. Рус тилидаги дарсликларнинг укувсиз таржимасини эслаш учун сарлавҳалар борки, улар асл русча ҳолида ҳам етти ёшли онг имкониятларини ваҳимага солади. «Если к числу нулево прибавить сумму или разность чисел, то их записывают в скобках» деган қонданинг ярмини ҳам тушуниб, эслаб қолиши дарғумон.

Афсуски, қавсли мисоллардаги амалларнинг бажарилиш тартибига оид на амалий, на ёдда қоларли изоҳ дарсликда мавжуд. Тажрибамдан келиб чиқса, фарзандларимга қавс деган тушуниш болани тилида қайнаб беришига мажбур бўлганман. «Қавс – бу майдондаги ўйинчилар, аввал улар ўйнайди. Қавсдан ташқари рақамлар – бу захирадаги футболчилар, улар майдондагилар ўйнаб бўлганидан кейин тўп суради».

«Қўшувнинг алмашиниш хусусияти», «Построение отрезка заданной длины. Измерение и сравнение длин и расстояний» қабиллидаги боланинг тасаввурига сиймайди, 6-10 та сўздан иборат сарлавҳалар фақат катталар учунгина тушунарли.

Тўғри, дарслик тузиш ўта машққатли, мураккаб иш. Мавжуд билимларни муносиб ҳажм ва шаклда тақдим этиш осонмас. Бу жараёнда боланинг ёши, унинг аввалги кўникмалари, келгусида берилиши режалаштирилган билим, материални тақдим этиш усуллари, жамиятда юз бераётган ангилликлар каби кўп жиҳатлар (бари болани ҳаётга тайёрловчи мустақкам фаолиятдаги «кема») инобатга олинади. Шунинг учун ҳам дарслик муаллифларидан доимий изланиш, йўл қўйилган хатолардан тез хулоса чиқариб, уни тўғрилаш талаб этилади.

Шу ўринда савол туғилади: қачон ҳар бир ўқув қўлланмани ушлаган авлодинг фикрлаши, билими назорат қилиниб, тегишли хулосалар ясалиб, дарсликка ўзгартириш киритилади? Дарслик савияси, бу – ўқувчилар савиясини ўстирувчи ва ақинча, борини ҳам йўққа қиларувчи, боланинг иқтидори-ю вақтин бекорга увол қилиши мумкин бўлган жуда муҳим восита, қурол эканини ич-ичдан ҳис қилибгина мақсадга эришиш мумкин.

Гулгун УСМОНОВА,  
журналист

# Ҳаёт сабоқлари

### РИЗО ҲАВОНЧАСИ

Ҳасан Басрий меросидан ўқидим: «Кунларнинг бирида бир обид йигит билан Басра бозориди айлашиб юриб, бир табибни учратдик. Табиб хонтахта олдига ўтирар, ҳузурда эркалар, аёллар, ёш болалар туришарди. Ҳамминанг кўлида идиш бўлиб, ичида сув бор эди. Ҳар бири киши табибдан касалига қандай шифо топишни сўрар эрди.

Обид йигит табибга яқинроқ бориб, «Эй, табиб, сизда гуноҳларни ювиб, қалб хасталигига шифо бўлувчи дори борми?» деб сўради.

Табиб эса шундай деди: «Шундай дори бор, бунинг учун куйидаги ўнта нарсани қилгин: Таовез ва камбағаллик дарахтининг илдизини олгин. Уни тавба ўсимлигига аралаштиргин. Ризо ҳавончасига солгин. Қаноат дастаси билан майдалагин. Такво қозонига ташлагин. Ҳаё сувида куйгин. Муҳаббат олови ила қайнатгин. Шукр қосасига сузгин. Умид совутичи билан совутгин. Ҳамд қошиғи билан ичгин. Шуларга амал қилсанг, ҳар қандай касалликка даво топасан, баало-қазоларлардан сақланасан».

### СЎЗ СЕХРИ

Ҳассос шоира Турсуной Содиқова Андижондаги ўрачувлардан бирида хотини ташлаб кетган бир «муминтойга» изтеҳзо билан қараб, «Эр йигитнинг этиги пошнасидан ўт чақнаб турса-да, қаддини ғоз тугиб, гурсиллатиб юрса-да», дегани сира ёдимдан чиқмайди.

Шоиранинг ҳар сўзидан олов, оҳангидан муҳаббат ва садоқат чақнардир. Ўрачувларда сўзининг ўзини ҳам сўзлатворарди, булбулдай сайратарди. Нотиқлик маҳорати, ишонтириш санъати, таъсир этиш, ром қилиш салоҳияти баланд эди. Овозида бошқа нотиқларда кам учрайдиган ноёб сеҳр бор эди. Шоира, ўзи ёзгани-

латмади, беадоқ саволларга жавоб қайтаришдан, умидсизлик жариға қулаганларга, зулмат қўйнига фарқ бўлганларга қўл чўзишдан, наҳот йўлларини кўрсатишдан чарчамади. Қанчадан-қанча мухлисларни китоб, одоб-ахлоқ, диёнат оламига олиб кирди, хиёнат йўлидан, ҳирс-у ҳавас остонасидан, такаббурлик пиллапоясидан қайтарди, шеърятга, бадииятга ошно қилди. Қанчадан-қанча ҳаётий муаммоларни, оилавий машмашаларни нотиқлик маҳорати, сўз сеҳри, кўнгил малҳами билан текислаб ташлади. Оллоҳ берган воизлик инъомини исроф қилмади.

Баҳор таровати ўзгача эпкин бўлиб эса бошлаган эди-я. Ижод осмониди эркин турналарнинг арғимчоқлари кўзга ташланмиши жуда оз фурсат қолганди-я. Сал шаштаними дейман-да, опа-жон. Начора, ёзингиз шу экан, охират сафарингиз ўзингиздай, сўзингиздай латофатли бўлсин.

### ИЛДИЗСИЗ КЎЧАТ

Журналистика факультетиди ўқишни тугалаётган, аммо шу чоққача тўрт қатор ахборот ҳам ёзмаган, бундан кейин ҳам ёзмайдиган талаба билан очикчасига сўхбат қилдим. У менга бироз ийманиб бўлса-да, ўқишга қандай кирганини сўзлаб берди.

Баданим музлаб кетди. Бири илдизли, иккинчиси илдизсиз икки кўчатни ёнма-ён экиб, уларни бир хилда парваршиш қилаётган, иккаласи ғўж-ғўж мева туғишига умид қилаётган «боғбон» ҳақида ёзган мақолам ёдимга тушди. Афсуски, кўпинча шундай бўлади – илдизи йўқ кўчатга ҳам бошқалари қатори сув қўйиб, парваршиш қиламиз. Бундан тўрт йил аввал «Бошқа олиғоҳларга кира олибмади, вақтинча бўлса ҳам журналистикага кирди тўғри деб «ҳаракат» қилган шу шўрлик йигитчага тўғри маслаҳат берилганида, бугун у аросат йўлда

#### Аҳмаджон МЕЛИБОВ

### Эълонлар

## «Агросаноат мулк маркази» МЧЖ Қорақалпоғистон филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога «Ўзбекистон-Церт» давлат муассасаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимига тегишли, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, №39 уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

1. «Матиз» русумли, давлат рақами 95/616ТАА, 2012 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси – 22 869 250 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 30 март кунни соат 15:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2021 йил 29 март кунни соат 18:00гача.

Савдога иштирок этиш учун

Хизматлар лицензияланган.

«SOLAR CITY» МЧЖ (СТИР: 301851372) ўз устав фондини 903 819 240 сўмдан 303 819 240 сўмгача қайтаришни маълум қилади. Давволар ва талабар Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 3/26 уй. манзилида қабул қилинади.

### Аукцион савдолари хабарномаси

## «КО'СНМАС MULK FINANS INVEST» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдолари «Аска банк» АТБнинг Бухоро вилояти филиалининг 24.02.2021 йилдаги 24/1043-сонли бюртма хатига асосан филиал ҳисобидида Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Нодирабегим» МФЙ, Ю.Ҳамадоний кўчаси манзилида жойлашган, жами ер участкаси майдони 1963 кв.метр, қурилиш ости майдони 499,2 кв.метр, фойдалани майдони 499,2 кв.метрдан иборат бўлган Молхона бино-ишоотлари қўйилмоқда:

**Бошланғич баҳоси** – 240 103 518 (Икки юз қирқ миллион бир юз уч минг беш юз оқ саккиз) сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2021 йил 29 март кунни соат 11:00да Бу-

хоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 29-уй манзилида бўлиб ўтади.

2021 йил 29 март кунни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2021 йил 5 апрель ҳамда 12 апрель кунлари ўтказилади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққати!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдо тартибиди иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги бюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 29-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўткази-

лиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган мuddатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдориди закатат пуллари тўлашлари;

– **жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси;

– **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдога қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 банк иш кунни мuddат ичида Сотувчи, яъни «TOSHKENT TRAMVAЙ» унитар корхонаси билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш мuddати ҳамда қўшимча шартлари олди-сотди шартномаси тузиладиган белгиланади.

Талабгорлар томонидан ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун ҳар бир мулк бўйича 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм миқдориди тўлов тўлаиши лозим.

Аукцион савдоларида ғолиб бўлган талабгор мулк сотилиш қўйлатининг 2 % (фоизи) миқдориди комиссиясн йигинини аукцион савдолари ўтказилган санадан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида савдо ташкилотчисининг ҳисобрақамига тўлаб бериш мажбуриятини олади.

**Закатат тўлови учун реквизитлар:** «КО'СНМАС MULK FINANS INVEST» МЧЖ, х/р: 20208000900759233001, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан корхона ходими ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Бюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони. **Тел.:** (99) 862-16-71. **E-mail:** kmfauksion@mail.ru.

диқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

**Закатат тўлови учун реквизитлар:** «КО'СНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 304815549, МФО: 00115, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бухоро минтақавий филиали, х/р: 20208000700759233002.

**«Аукцион ташкилотчиси»** – «КО'СНМАС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти. Бюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 29-уй, (1-қават). **Тел.:** +998 90 299-82-92. **E-mail:** kmfauksion@mail.ru

**Лицензия № RR-0297**

**МУАССИС:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайвати:

- Кудратилла РАФИҚОВ  
(таҳрир хайвати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира КАРИМОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари).

- Темур МАМАЖОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлиб),  
Меҳриддин ШУКУРОВ  
(Масъул котиб – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

**Бош муҳаррир**  
Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро хайът – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz**  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тақдирли, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Хўдақалпоғи муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Ташкент вилояти – (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**  
А. Абдурахмонов

**Мусахҳхчилар:**  
С. Шодиева,  
З. Холмухаммедова

**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**  
Тошпирлиди – **21:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Бюртма Ғ – 206.  
30621 нусхада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилими:**  
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмажонасида чоп этилди.  
**Корхона манзили:**  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобода филиали,  
банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130